

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАДЖАНОВА МАЪМУРАХОН КАДИРЖАНОВНА

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА МАНТИҚИЙ МАСАЛАЛАР
ВОСИТАСИДА МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШ
МЕТОДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Мамаджанова Маъмурахон Кадиржановна

Бошланғич синфларда мантикий масалалар воситасида математика фанини ўқитиш методларини такомиллаштириш 3

Мамаджанова Маъмурахон Кадиржановна

Совершенствование методов преподавания математики в начальных классах посредством логических задач..... 21

Mamadjanova Mamurakhon Kadirjanovna

Development of mathematics teaching methods using logical tasks in primary classes 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАДЖАНОВА МАЪМУРАХОН КАДИРЖАНОВНА

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА МАНТИҚИЙ МАСАЛАЛАР
ВОСИТАСИДА МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШ
МЕТОДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1 PhD/Ped626 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «Ziyoue» Ахборот таълим порталида (www.ziyoue.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматов Машрабжон Шахабудинович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий ошпонентлар:

Ўринов Ахмаджон Қўшақович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Баракаев Мурод
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
В.И. Романовский номидаги Математика
институтини

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» 09 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 161-уй. Тел.: (+99869) 228-85-01; факс: (+99869) 228-85-02; e-mail: info@namdu.uz.)

Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869) 227-29-81).

Диссертация автореферати 2021 йил «10» 09 кунини тарқатилди.
(2021 йил «10» 09 даги 4 - рақамли реестр баённомаси).




Т.Файзуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

Ш.К.Хўжамбердиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)


К.М.Боймирзаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, г.ф.д. (DSc), доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув даврида илм-фан тараққиёти жамият юксалишининг асосий омилларидан бирига айланмоқда ва XXI аснинг умумбашарий муаммоларидан бири иқтисодиётга инновациялар ва фан ютуқларини татбиқ этиш билан характерланмоқда. Бугунги кунда таълим жаҳон миқёсида барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, Жанубий Кореяда ўтказилган Халқаро таълим форумида (WEF 2015) 2030 йилгача қабул қилинган Таълим концепциясида "...билимнинг мустақкам пойдеворига эга бўлиш, ижодий ва мантиқий фикрлашни ривожлантириш, ўзаро ҳамкорликдаги фаолият муҳитини яратиш"¹ устувор вазифа қилиб белгиланган.

Дунё миқёсида бошланғич синф ўқувчиларининг математика фанидан саводхонлигини ошириш, таълим мазмунини илм-фанда эришилган натижалар билан интеграциялаган ҳолда таълимга замонавий технологияларни жорий этиш бўйича кўплаб тадқиқотлар яратилмоқда. Ўқувчиларнинг математик саводхонлик даражасини баҳолаш бўйича халқаро дастурларда (EGMA, PISA, TIMSS, PIRLS) матнли масалалардан, хусусан, мантиқий масалалардан самарали фойдаланилмоқда. Шу сабабли бошланғич таълим математика дарсларидаги мантиқий масалаларнинг тутган ўрни ва аҳамиятини аниқлаш, ўқувчиларда мантиқий фикрлашни ривожлантиришга доир педагогик ёндашувларни ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ таълим технологияларини ҳам такомиллаштириш долзарб бўлиб қолмоқда.

Республикамызда умумий ўрта таълим тизимини мазмун ва сифат жиҳатидан жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш бугунги кунда халқ таълими тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири қилиб белгиланган. Умумий ўрта таълим, хусусан, бошланғич таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш учун "Халқ таълими вазирлиги томонидан тизимда халқаро баҳолаш дастурларини жорий этиш" бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда². Ўзбекистон Республикасида таълим сифатини яхшилаш ва уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишдаги фармонларда "Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш"³ вазифалари белгилаб берилди. Шу нуқтаи назардан, бошланғич синфларда математика фанини ўқитиш методикасини

¹Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

²ЎЗР ВМнинг "Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 8 декабрдаги 997-сон қарори. <http://lex.uz/docs/4097073>

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947- сонли Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

такомиллаштиришга имкон берадиган мантикий масалалар тизимини ишлаб чиқиш борасида тадқиқот олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, юқоридаги қарорларда белгиланган вазифалардан математика каби муҳим ва талаб юқори бўлган фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган умумтаълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, мультимедиали маҳсулотларнинг янги авлодини яратиш, ўқитиш методикасини такомиллаштиришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз ва хорижий мамлакатларда матнли масалаларни ечишга ўргатишни такомиллаштириш, ўқувчиларда мантикий тафаккур қилиш қобилиятини ривожлантиришда матнли масалаларнинг ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ қатор илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, масалалар ва айниқса, муаммоли масалалар воситасида таълим мазмунини такомиллаштиришнинг назарий, методологик ва услубий асослари Ж.Икромов, Т.Тўлаганов, Н.Р.Ғайбуллаев, М.Тожиев, Г.В.Злоцкий, Д.И.Юнусова, М.Ш.Маматов, М.Раёмов, М.А.Мирзаахмедов, С.Алиханов, А.Ахлимирзаев, М.Баракаев, Б.Қ.Хайдаров, У.Ж. Содиқов, А.А. Парманов бошланғич синфларда матнли масалаларни ечишни такомиллаштириш масаласи Б.С.Абдуллаева, Н.У.Бикбаева, Л.С.Левенберг каби олимларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида Ю.М.Колягин, С.И.Шварцбурд, А.Г.Мордкович, Л.М.Фридман, К.И.Нешков, А.Д.Семушин, Г.Г.Маслова, Н.А. Терешинлар томонидан масала ечишга ўргатиш методикасини такомиллаштириш моҳияти очиб берилган. Шунингдек, Н.Б.Истомина, Н.Б.Тихонова, Л.Г.Петерсон, Л.П.Стойлова, Л.М.Лихтарников, В.П.Заесёнок, Э.Э.Канин, Л.П.Терентьевалар томонидан мантикий масалалар ва уларни ечиш методикаси ҳақида илмий изланишлар олиб борилган.

Хорижий давлатларда M.J.Raoano, K. Mahoney, M.SeGil Kurbal, N.O. Johnson, H.M.H.A.H. Pungut, R.Kursbumlia каби олимлар томонидан таълим жараёнида таҳсил олувчиларнинг математик тафаккур қилиш қобилиятларини ривожлантириш бўйича тадқиқот ишлари турли даражада ёритилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аксарият тадқиқот ишлари умумий ўрта таълим мактабларидаги математикага қобилияти бор ўқувчиларни аниқлаб олишга мўлжалланган масалалар (ёки тестлар) тузишга бағишланган. Бироқ математикани ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг математик қобилиятларини ривожлантиришга мўлжалланган масалаларни, яъни мантиқий масалаларни ечиш методикаси етарлича тадқиқ этилмаган. Бу эса, ўз навбатида, бошланғич синфларда математика фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш учун мантиқий масалалар устида тадқиқот олиб боришнинг зарурлигини ҳамда долзарблигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг КА-1-004 рақамли “Модернизация жараёнида ёшларда инновацион онг шаклланишини илмий-амалий тадқиқ этиш” (2015-2017 йил) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мантиқий масалалар воситасида бошланғич синфларда математика фанини ўқитиш методларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич синфларда математика фанини ўқитиш методикасини такомиллаштиришда мантиқий масалаларнинг тутган ўрнини аниқлаш ва уларни классификациялаш;

бошланғич синф ўқувчилари тафаккур қилиш қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда мантиқий масалаларни танлаб олиш ва дастур мавзуларига мувофиқ жойлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш;

танлаб олинган мантиқий масалаларнинг ҳар бир тури бўйича вариативликни таъминлаш асосида масалалар тўпламини яратиш ҳамда таълим амалиётига татбиқ этиш;

мантиқий масалаларни ечишнинг такомиллаштирилган дастурий таъминотини тажриба-синовдан ўтказиш ҳамда самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мантиқий масалалар воситасида бошланғич синфларда математика фанини ўқитиш методларини такомиллаштириш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини бошланғич синфларда математика фанини ўқитиш методларини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл ва методлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, педагогик тажриба-синов, суҳбат, маълумотларни мужассамлаштириш, таққослаш, умумлаштириш ва математик-статистик ишлов бериш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синфлар математика дарсларида ўргатиладиган мантиқий масалаларни тузиш ва ечиш тамойиллари ўқувчиларнинг шахсий эҳтиёжлари ва математик тушунчаларни ўзлаштириш имкониятларига ҳамда мантиқий масалалар мазмунига кўра мувофиқлаштирилган;

бошланғич синф математика дарсларида ўргатиладиган мантиқий масалаларни соддадан-мураккабга қараб жойлаштириш орқали ўқувчиларнинг тафаккур қилиш шакллари ва амалий билимларни ўзлаштиришни дидактик имкониятлари интеграциялаштирилган;

бошланғич синфларда математика фанини ўқитиш методикаси воситаларини ўзига хос хусусиятларига ўқув материаллари мазмунини уйғунлаштириш асосида мантиқий масалалар тизими мувофиқлаштирилган ҳамда мулоҳазалар юритиш воситасида мантиқий масалалар ечиш методлари такомиллаштирилган;

бошланғич синфларда математика фанини ўқитиш жараёнига ахборот-дидактик дастурий таъминот воситаларини татбиқ этиш асосида мантиқий масалалар ечишнинг инновацион методларини жорий этиш механизмлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Boshlang'ich sinflar matematikasida o'quvchilarni mantiqiy masalalarni yechishga o'rgatish” номли дастурий махсулот ишлаб чиқилган;

бошланғич синфларда математика фанини ўқитиш методикасини такомиллаштиришга йўналтирилган мантиқий масалалар тизими ишлаб чиқилган ва классификация қилинган;

бошланғич синф ўқитувчилари учун “Mantiqiy, kombinatorik va postandart masalalar” номли ўқув қўлланма нашр этилган;

“Boshlang'ich sinflarda matematika” номли услубий қўлланма ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган ёндашув ва усуллар, фойдаланилган назарий ва амалий хулосаларнинг расмий манбалардан олинганлиги, натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, тажриба-синов ишларининг самарадорлиги математик статистика методлари воситасида асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич синф математика дарсларида мантиқий масалаларнинг ўрни ва аҳамияти асосланиб, танлаб олиш тамойилларига таянган ҳолда мантиқий масалалар турлари классификация қилинганлиги, шунингдек, диссертацияда ишлаб чиқилган, такомиллаштирилган методика ва тавсиялардан бошланғич таълимда математика фанини ўқитишда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларига математика фанини ўргатиш жараёнида мантиқий масалалар турлари классификация қилинганлиги, мантиқий масалалар воситасида ўқитиш усуллари такомиллаштирилганлиги ҳамда уларни ечиш усуллари

асосида дастурий таъминотнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида назарий ва амалий ўқув материали сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синфларда мантиқий масалалар воситасида математика фанини ўқитиш методларини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

бошланғич синфлар математика дарсларида ўргатиладиган мантиқий масалаларни тузиш ва ечиш тамойиллари ўқувчиларнинг шахсий эҳтиёжлари ва математик тушунчаларни ўзлаштириш имкониятларига ҳамда мантиқий масалалар мазмунига кўра мувофиқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Ўз РВМ нинг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган ўқувчиларда математик компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2020 йил 9 октябрдаги 01/11-03/6-1143 сонли маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг математика фанига бўлган қизиқиши ва мантиқий тафаккур қилиш қобилиятларини ривожлантириш бўйича талаблар такомиллаштирилган;

бошланғич синф математика дарсларида ўргатиладиган мантиқий масалаларни соддадан-мураккабга қараб жойлаштириш орқали ўқувчиларнинг тафаккур қилиш шакллари ва амалий билимларни ўзлаштиришнинг дидактик имкониятларини интеграциялаштириш ва бошланғич синфларда математика фанини ўқитиш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилувчи мантиқий масалалар тизими ўқув материаллари мазмуни билан уйғунлаштириш ҳамда мантиқий масалаларнинг мазмунига кўра ечиш методларини такомиллаштиришга доир таклифлардан А-5-37 рақамли “Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки математик тасаввурларни шакллантиришга мўлжалланган мультимедиа интеллекттуал ўйинлар” (2015-2017 йиллар) номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги 89-03-285-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич синф ўқувчиларида масалалар ечиш жараёнида уларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантириш методларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

бошланғич синфларда математика фанини ўқитиш жараёнларига ахборот-дидактик таъминот воситаларини татбиқ этиш асосида мантиқий масалалар ечишнинг инновацион методларини жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялардан бошланғич синф ўқитувчилари учун “Mantiqiy, kombinatorik va nostandart masalalar” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Республика таълим марказининг 2020 йил 9 октябрдаги 01/11-03/6-1143 сонли маълумотномаси). Натижада

бошланғич синф ўқувчиларига математика фанини ўқитишнинг ўқув-методик таъминоти бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий-услубий иш, 1 та ўқув кўлланма, 1 та услубий кўлланма чоп этирилган. 1 та ЭҲМ учун дастурий маҳсулотга ЎзР ИМАнинг муаллифлик гувоҳномаси олинган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 129 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бошланғич синфлар математика дарсларида мантиқий масалаларни ечишга ўргатишнинг назарий асослари”** деб номланувчи биринчи бобида бошланғич синф ўқувчиларининг тафаккур қилиш қобилиятларини ривожлантиришда мантиқий масалаларнинг тутган ўрни ва аҳамияти психологик-педагогик муаммо сифатида қаралиб, ўқувчиларнинг математик қобилиятларини ривожланишини таъминловчи педагогик шарт-шароитлар ўрганилиб, мантиқий масалаларни ечишда математик моделлаштиришнинг тутган ўрни ва аҳамияти кўриб ўтилган.

Ўқувчи қобилиятини ривожлантириш, шахснинг ҳиссий, иродалик жиҳатларини тарбиялаш, характерини шакллантириш, шунингдек, ўқувчиларнинг ўрганилаётган ўқув материалига қизиқишини уйғотиш билан боғлиқдир. Қобилиятни ривожлантириш муаммолари фаолиятнинг турли кўринишлари билан, жумладан, тафаккурни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Тафаккур-инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли бўлиб, янгиликни билиш жараёнидир. Тафаккур жараёнида фикрлар пайдо бўлиб, улар инсон онгида муҳим тушунчалар шаклини олади. Инсоннинг тафаккур қилиш қобилияти унинг амалий имкониятларини кенгайтиради. Шунинг учун ҳам умумий ўрта таълим мактаби математика курсининг асосий вазифаларидан

бири этиб ўқувчиларнинг тафаккур қилиш қобилиятларини ривожлантириш зарурлиги белгилаб қўйилгандир.

Шарқ мутафаккирлари ва алломалари ҳам фикрлашда мантиқнинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаганлар. Жумладан, Форобий ҳам ўзининг “Мантиқ тўғрисидаги рисолага муқаддима” асарида мантиқни одам нотикликда адашиб қоладиган бўлса, тўғри фикрлашга олиб келувчи ва ақл ёрдамида бирон-бир хулоса қилинадиган бўлса, у хатолардан асровчи масалаларни ўз ичига оладиган мезон сифатида қараган ва исботлашнинг аргументи бўлувчи билимларни белгилаб берган.

Фикрлаш фаолияти бирон-бир муаммони ечишга йўналтирилган фикрлаш ҳаракатлари системасидир. Фикрлаш ҳаракати-бу фикрлаш операциялари тўпламидан иборат бўлиб, уларнинг таркибига анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш, абстрактлаштириш, конкретлаштириш ва классификация киради.

Маълумки, умумий ўрта таълим мактаби математика курсида масала тушунчасига кенг ўрин бериб, у бирон-бир вазиятларнинг табиий тилдаги ифодаси (тавсифи) бўлиб, унда бу вазиятнинг бирон-бир компонентасига миқдорий характеристика бериш, унинг компонентлари орасидаги баъзи муносабатлар бор йўқлигини аниқлаш ёки бу муносабат турини аниқлаш талаб этади. Масалани ечиш ўқувчиларда аввало математик тушунчаларни шакллантиради, янги билимларни вужудга келтиради ва мавжуд билимларни татбиқ қилиш жараёнида мустаҳкамланиб, назарияни амалиёт билан, ўқитишни турмуш билан боғлаб олиб бориш имконини беради.

Масалалар турлари бир қанча бўлиб, мантиқий масала ҳам улардан бири ҳисобланади. Л.П.Стойлова фикрича, мантиқий масалалар бу шундай масалалардирки, уларни ечишда қўйилган саволга жавобни излаш мулоҳазалар юритиш асосида амалга оширилиб, бунда ҳисоблашларни бажариш ёрдамчи ролни ўтайди, ёки баъзида умуман керак бўлмаслиги мумкин деб асослайди.

Тадқиқот натижасида мантиқий масалаларни ечиш ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига ижобий таъсир ўтказиши аниқланиб, ушбу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда бошланғич синфлар математикасига мантиқий масалаларни танлаб олиш тамойиллари ишлаб чиқилди.

Диссертацияда ушбу тамойилларга таянган ҳолда қуйидаги турдаги мантиқий масалаларни бошланғич синфлар математика курсига киритилиши мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди(1-расмга қаранг).



1-расм. Мантиқий масалалар турлари

Ихтиёрий матнли масалани ечишнинг, жумладан, мантиқий масалани ечишнинг ажралмас қисми бу масала моделини қуришдир: қурилган ёки танлаб олинган объект (бизнинг ҳолатимизда матнли масала)ни ўрганиш учун унинг ўрнини босувчи ҳамда барча муҳим хоссаларини ўзида сақлайдиган моддий ёки тасаввур қилинадиган объектни қуриш (танлаб олиш) дан иборатдир.

Бунда янги қурилган объект ўрганилиб (тадқиқ этилиб), ҳосил қилинган натижа дастлабки вазият ёки объектга кўчирилади. Бошқача сўз билан айтганда, масалани ечиш жараёнида ўқувчи иккинчи даражали тафсилотларга эътибор қаратмасдан, унинг шартда берилган ва ечимга бевосита таъсир ўтказадиган боғланишлар билан батафсил иш кўриши керак бўлади. Ечимни ҳосил қилишга таъсир ўтказмайдиган тафсилотлардан воз кечиш асосида у масала шартда берилган реал ҳолатнинг абстракт моделини қуриб, уни тадқиқ қилиш асосида масала шартини қаноатлантирадиган жавобни олиш воситасига эга бўлади. Натижада масала ечими кўп жиҳатдан бу моделни қанчалик тўғри қурилганлиги ва уни қуришда қўлланилган усулларга боғлиқ бўлади.

Мантиқий масалаларни ечишда моделлаштиришга алоҳида эътибор берилишига сабаблардан бири, кўп ҳолларда масаланинг ечими қурилган моделнинг ўзида аён бўлишлигидадир. Тадқиқотда мантиқий масалаларни ечишга ўргатиш тажрибаси таҳлил этилган ҳолда моделлаштиришнинг қуйидаги турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди(2-расмга қаранг).



2-расм. Мантиқий масалалар ечимининг моделлаштириш усуллари

Мантиқий масалаларни ечиш жараёнида кўп ҳолларда берилган масала бир неча савол ва бўлақларга бўлинганлиги учун модел масала ечимини излаш воситаси сифатида самарали ҳисобланади. Моделни қуриш учун масала шартда берилган миқдорлар ва барча боғланишлар ўрнатилиб, уларга таянган ҳолда ечимни давом эттириш ва унинг оптимал йўлини топишга шароит яратилади.

Диссертациянинг “**Мантиқий масалалар воситасида математика фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш**” деб номланувчи иккинчи бобида танлаб олинган мантиқий масалаларнинг ечиш усуллари батафсил баён қилиниб, асосий эътибор ўқувчиларнинг мантиқий тафаккур қилиш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, мавзуларга оид масалалар тўплами тузилган.

Жумладан, тўплам элементларини тартиблашга доир вазиятлар ифодаланган мантиқий масалаларни тўғри чизикда моделлаштириш асосида ечиш жараёнида уларнинг шартида берилган элементлар тўғри чизикда жойлашган нуқталар билан тасвирланиб, берилган муносабатлар асосида улар бирин-кетин тартибланиши қуйидаги масала ечими мисолида кўриб чиқилган.

1-масала. Ақром дўстларини туғилган кунига таклиф этди. Меҳмонлардан Лазиз Маҳмуддан олдин, Маҳмуд Зокирдан олдин, Вали Зокирдан кейин, Салим Валидан кейин табриклагани келишди. Меҳмонлар қандай тартибда келишган?

Ечиш: Масала моделини кураимиз. Бу ҳолда тўғри чизик “вақт чизиғини” ифодалайди. Ўқувчилар билан болаларни тўғри чизикда уларнинг бош ҳарфлари кўрсатилган нуқталар билан ҳамда улардан олдин келганини тўғри чизикда чапроқда, кейин келгани эса тўғри чизикда ўнпроқда белгилашга келишиб оламиз. Сўнгра масаланинг ҳар бир шартини тўғри чизикда белгилаш учун қуйидаги мулоҳазалар занжирини кураимиз:

– Лазиз Маҳмуддан олдин келган, демак L нуқта M нуқтадан чапда жойлашади;

– Маҳмуд Зокирдан олдин келган бўлса, Зокир Маҳмуддан кейин келган бўлади, демак Z нуқта M нуқтадан ўнгда жойлашади;

– Вали Зокирдан кейин келган, демак, V нуқта Z нуқтадан ўнгда жойлашади;

– Салим Валидан кейин келган, демак, C нуқта V нуқтадан ўнгда жойлашади.

Тўғри чизикда нуқталарнинг жойлашишидан дўстлар: Лазиз, Маҳмуд, Зокир, Вали, Салим тартибида меҳмондорчиликка келганлигини аниқлаймиз (3-расмга қаранг).



3-расм. Масала моделини тўғри чизикда куриш

Тадқиқотда тўпламлар элементлари ўртасида ўзаро бир қийматли мосликни ўрнатишга доир вазиятларни хулосалар занжирини куриш асосида, жадваллар тузиш йўли билан моделлаштириш усули қуйидаги масала ечими мисолида кўриб чиқилган.

2-масала. Математикадан ўтказилган олимпиадада Барно, Карим ва Лобар совринли ўринларни эгаллашди. Лобар биринчи ўринни эгалламаганлиги, Барно биринчи ўринни ҳам, иккинчи ўринни ҳам эгалламаганлиги маълум бўлса, иштирокчи болаларнинг ҳар бири қайси ўринни эгаллаган?

Ечиш. Сатрлари эгалланган ўринлардан, устунлари ўқувчилар исмларидан иборат бўлган жадвал тузамиз. Жадвални тўлдиришга киришишдан олдин ўқувчилар билан “Агар ўқувчи эгаллаган ўрни маълум бўлса, жадвалнинг мос катагида “+” белгисини, агар эгалламаган бўлса “-” белгисини қўйишга келишиб оламиз.

Масала шартига кўра, Лобар биринчи ўринни эгалламаганлиги учун “1-ўрин” сатри ва “Лобар” устуни кесишиш катагига “-” белгисини кўямиз.

Шу тарзда масала шартига берилган, шунингдек улардан келтириб чиқариладиган хулосалар занжирини қуриб, уларга асосланган ҳолда жадвални тўлдирамиз:

-Барно биринчи ўринни ҳам, иккинчи ўринни ҳам эгалламаганлиги учун мос катакларга “-” белгисини кўямиз. Демак, Барно учинчи ўринни эгаллаган, “+” белгисини кўямиз. Бошқа ўқувчилар учинчи ўринни эгаллаши мумкин эмас. Тегишли катакларга “-” белгисини кўямиз.

-У ҳолда Лобар иккинчи ўринни эгаллаган. “+” белгисини кўямиз. Бошқа ўқувчилар иккинчи ўринни эгаллаши мумкин эмас. Тегишли катакка “-” белгисини кўямиз.

-У ҳолда Карим биринчи ўринни эгаллаган. “+” белгисини кўямиз. Жадвалдан Карим биринчи-ўринни, Лобар иккинчи-ўринни, Барно учинчи-ўринни эгаллаганини аниқлаймиз(1-жадвалга қаранг).

1 –жадвал

Масала шартларидан хулосалар келтириб чиқариш

Эгалланган ўрин	Ўқувчилар исми		
	Барно	Карим	Лобар
1 – ўрин	-	+	-
2– ўрин	-	-	+
3– ўрин	+	-	-

Кечиб ўтишга доир масалаларни ечиш жадвал кўринишида ифодаланиши мақсадга мувофиқдир. Бунда жадвалнинг ўрта устунига кечиб ўтаётганлар, биринчи ва охириги устунига кечув даврида мос равишда бир қирғоқда ҳамда иккинчи қирғоқда қолганлар ёзилди. Жадвални тўлдиришда қуйидагиларга қатъий риоя қилиниши талаб этилади: битта сатрда ҳар бир кечиб ўтувчи ё марказий устунда, ёки биринчи устунда, ёки охириги устунда фақат бир марта ёзилди. Масалани ечиш жараёнида ўқувчилар йўл кўядиган асосий хатолик ҳам шундан иборат бўладики, улар кечиб ўтувчилардан бирортасини ёзишни эсдан чиқарадилар ёки икки марта ёзиб кўядилар.

Қуйишга доир масалалар ҳажми маълум бўлган иккита ёки ундан ортик бўш идишлардан фойдаланиб, талаб этилган миқдордаги суюқликни ўлчаб олишга доир бўлиб, уларни ечиш жараёнида ўқувчилар алгоритмик йўриқномалар асосида ҳаракат қилиш кўникмаларини эгаллаб, натижани жадвал кўринишида ифода этишни ўрганадилар. Бу масалаларни ечишда бир идишдан иккинчи идишга суюқликни қуйишда идишдаги суюқликни тўла бўшатиш ёки идишга тўлдириб суюқликни қуйишга рухсат берилади.

3-масала. 5 литрли идиш ва 2 литрли банкадан фойдаланиб сув қувиридан 1 литр сувни қандай қуйиб олиш мумкин? Идишлардаги сувни тўкиш учун бўш идиш мавжуд.

Ечиш. Қуйидаги мулоҳазалар занжирини қурамиз. Сув қувиридан 5л идишга тўла сув қуйиб оламиз, ундан банкага сикқунга қадар сув қуямиз, натижада идишда 3 литр сув қолади. Сўнгра банкадаги бор сувни бўш

идишга тўкиб, 5литрли идишдан банкага яна унга сикқунга қадар сув қуямиз, натижада 5 литрли идишда 1 литр сув қолади. Ушбу мулоҳазалар занжирини қуйидаги жадвал кўринишида ифодалаймиз(2-3-жадвалларга қаранг).

2-жадвал

Масала ечимининг 1-усули

№	Қуйишлар	Идиш, 5л	Банка, 2л
1	Сув қувуридан→ идишга	5	0
2	Идишдан→банкага	3	2
3	Банкадан→бўш идишга	3	0
4	Идишдан→банкага	1	2

3-жадвал

Масала ечимининг 2-усули

№	Қуйишлар	Банка, 2л	Катта идиш,5л
1	Сув қувуридан →банкага	2	0
2	Банкадан→ идишга	0	2
3	Сув қувуридан→ банкага	2	2
4	Банкадан→ идишга	0	4
5	Сув қувуридан→банкага	2	4
6	Банкадан→ идишга	1	5

Тарозида тортишга доир мантиқий масалаларни ечиш асосида у ёки бу фактни ўрнатиш (ҳақиқий тангалар ичидан қалбаки тангани аниқлаш, массасига кўра юкларни тартиблаш ва бошқалар) тошсиз, паллали тарозида амалга оширилади. Кўп ҳолларда масала шартида тортилаётган объектлар сифатида тангалар ишлатилиб, қаралаётган фактни кўрсатилган миқдорда тортишлар бажариб аниқлаш ёки қаралаётган фактни ўрнатиш учун энг кам тортишлар сонини аниқлаш талаб этилади.

Энг ёмон ҳолни кўришга доир мантиқий масалаларни ечишда талаб этилаётган тасдиқ энг ёмон (ноқулай) ҳол учун ўринли эканлиги кўрсатилса, қолган бошқа барча ҳоллар учун у албатта доимо ўринли бўлишлигига асосланади.

Дирихле принципи берилган хоссаларга эга бўлган объектнинг мавжудлигини билвосита исботлашда қўлланиладиган мантиқий усуллардан бири бўлиб, унинг мазмуни қуйидагичадир: n та қутига сони n дан ортиқ бўлган предметлар жойлаштирилса, у ҳолда шундай қути топиладики, унда биттадан ортиқ предмет жойлашади.

Тадқиқот жараёнида ҳар бир мантиқий масалалар турларини ечишда моделлаштиришнинг қай биридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди(5-расмга қаранг).



5-расм. Мантиқий масалалар ва уларни моделлаштириш

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва унинг натижалари”** деб номланувчи учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси ҳамда тажриба-синов ишлари натижалари таҳлили берилган. Тажриба-синов ишларининг мақсади услубий ишланмаларни ўқув жараёнида синаб кўриш ҳамда фараз қилинган гипотезани текширишдан иборат. Уни ташкил этишда изчиллик, узвийлик, мақсадга мувофиқлик, назария билан амалиёт бирлиги, ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларига таянган ҳолда амалга оширилди. Тажриба-синов ишлари 2017-2020 йиллар давомида олиб борилди. Тадқиқот ўтказиш базаси сифатида Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби, Хўжаобод туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактаби, Жалолқудуқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби ҳамда Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар 14-умумий ўрта таълим мактаби, Наманган вилояти, Учқўрғон туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфлари танлаб олиниб, улар тажриба ва назорат гуруҳларига бўлинди. Бунда тажриба гуруҳида 424 нафар, назорат гуруҳида эса 419 нафар, жами ўқувчилар 843 нафарни ташкил этди.

Ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлаш усуллари Пирсон критерийсидан фойдаланган ҳолда статистик таҳлил қилиниб, тажриба бошида ва охирида, тажриба гуруҳи ва назорат гуруҳида ўтказилган ёзма иш натижалари жадвалларда қайд этилди (4,5- жадвалларга қаранг).

2-4-синф ўқувчиларининг тажриба бошида ўзлаштириш кўрсаткичлари

Синфлар	Гуруҳлар	Ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари				Ўқувчилар сони
		2 баҳо	3 баҳо	4 баҳо	5 баҳо	
2-синф	Тажриба гуруҳи	21	65	32	26	144
	Назорат гуруҳи	22	66	33	25	146
3-синф	Тажриба гуруҳи	20	58	36	28	142
	Назорат гуруҳи	21	56	38	25	140
4-синф	Тажриба гуруҳи	22	65	31	20	138
	Назорат гуруҳи	24	58	30	21	133

2-4-синф ўқувчиларининг тажриба охирида ўзлаштириш кўрсаткичлари

Синфлар	Гуруҳлар	Ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари				Ўқувчилар сони
		2 баҳо	3 баҳо	4 баҳо	5 баҳо	
2-синф	Тажриба гуруҳи	14	45	46	39	144
	Назорат гуруҳи	21	67	32	26	146
3-синф	Тажриба гуруҳи	11	42	48	41	142
	Назорат гуруҳи	19	58	38	25	140
4-синф	Тажриба гуруҳи	12	43	49	34	138
	Назорат гуруҳи	19	60	32	22	133

Тажриба-синов ишлари статистик таҳлили

Синфлар	\bar{x}	\bar{y}	S_x^2	S_y^2	$\chi_{\text{ЭМП}}^2$
2-синф	3,76	3,43	0,94	0,90	10,82
3-синф	3,84	3,49	0,85	0,90	9,72
4-синф	3,76	3,43	0,85	0,86	8,92

Тажриба синов ишларининг ишончли эканлигини аниқлаш мақсадида χ^2 (хи-квадрат) мезони асосида иш олиб борилди ва гипотезаларни текшириш учун қуйидаги формуладан фойдаланилди.

$$\chi_{\text{ЭМП}}^2 = \frac{1}{m \cdot n} \sum_{i=1}^4 \frac{(n_i \cdot m - m_i n)^2}{m_i + n_i}$$

Озодлик даражаси $k = 3$ ва қийматдорлик даражаси $1 - 0,95 = 0,05$ га мос критик нуқтага хи-квадрат тақсимотга мос қийматлари жадвалидан аниқлаймиз.

$$\chi_{\text{кр}}^2(0,05; 3) = 7,81.$$

Статистиканинг тажрибада ҳисобланган қиймати (2 синфлар бўйича) критик нуқтадан катта $\chi_{\text{эмп}}^2 > \chi_{\text{кр}}^2 (10,82 > 7,81)$ (6-жадвалга қаранг). Тажриба синов даврида ўқувчиларнинг математикадан ўзлаштиришида сезиларли ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Бунда ўсиш кўрсаткичи $\frac{3,76}{3,43} \cdot 100\% - 100\% = 9,6\%$ ни ташкил этди.

Статистиканинг тажрибада ҳисобланган қиймати (3 синфлар бўйича) критик нуқтадан катта $\chi_{\text{эмп}}^2 > \chi_{\text{кр}}^2 (9,72 > 7,81)$ (6-жадвалга қаранг). Тажриба синов даврида ўқувчиларнинг математикадан ўзлаштиришида сезиларли ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Бунда ўсиш кўрсаткичи $\frac{3,84}{3,49} \cdot 100\% - 100\% = 10,0\%$ ни ташкил этди.

Статистиканинг тажрибада ҳисобланган қиймати (4 синфлар бўйича) критик нуқтадан катта $\chi_{\text{эмп}}^2 > \chi_{\text{кр}}^2 (8,92 > 7,81)$ (6-жадвалга қаранг). Тажриба синов даврида ўқувчиларнинг математикадан ўзлаштиришида сезиларли ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Бунда ўсиш кўрсаткичи $\frac{3,76}{3,43} \cdot 100\% - 100\% = 9,6\%$ ни ташкил этди.

Тадқиқот ишлари ўқувчилар учун қисман изланувчан, ижодкорлик каби продуктив тавсифдаги масалаларни ечишга имкон яратди. Улар математика бўйича билимлардан нотаниш вазиятларда фойдаланиш ҳолатларига дуч келдилар, бу эса уларнинг фаолиятини қўйилган масалани ечиш учун турли усулларни ўйлаб топишга йўналтиришга имкон беради.

ХУЛОСА

1. Бошланғич синфлар математика курсига мантиқий масалаларнинг киритилиши, бир томондан, уларни ечиш ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига ижобий таъсир ўтказиб, ўз фикрини мантиқий изчиллик билан ифодалаш кўникмаларини таркиб топтирилиши билан, иккинчи томондан уларни ечишда ҳисоблашлар ёрдамчи роль ўйнаб, умуман керак бўлмаслиги ёки фақат арифметикага доир маълумотлар билан чегараланиш орқали изоҳланди.

2. Аксарият ҳолларда мантиқий масалаларни ечиш бирданига эмас, балки бир қатор уринишлардан сўнг амалга оширилганлиги учун улар ўқувчиларда қўйилган мақсадга эришишда саботлилик хусусиятларини тарбиялаб, кучли, иродали шахс хусусиятларини шакллантиришга ҳисса қўшди. Шунингдек, ечимнинг ўзига хос самарали эканлигини англаш ўқувчиларга кучли ҳиссий таъсир ўтказди.

3. Бошланғич синф ўқувчиларининг математик қобилиятларини ривожлантириш ҳамда уларнинг математикага бўлган қизиқишларини янада орттириш кўп жиҳатдан мантиқий масалаларни ечишга ўргатиш жараёни қай тарзда ташкил этилгани билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Масалалар ечиш

жараёнида ўқувчиларда бошланғич математика курсининг турли бўлимлари бўйича билимларга эга бўлиши, хулосалар чиқариши уларда мустақил равишда билим олиш кўникмаси шаклланганлигини кўрсатди.

4. Мантиқий масалаларни ечиш ўрганилаётган назарий материалнинг мазмун-моҳиятини ойдинлаштириб, ўқувчиларда назарияни амалиёт билан боғлашга имкон берди. Натижада мавзулар мазмунини ёритиш учун энг кулай, мақбул ўқитиш усулларини танлашга шароит яратилди.

5. Агар мантиқий масалада вазиятларнинг турли хил вариантларини кўриб чиқиш, уларни таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш зарур бўлса, ечимнинг блок-схема тарзида тақдим этилиши, мулоҳазаларнинг ҳар бир қадами алоҳида блокда ёритилиши мақсадга мувофиқ. Блок-схема хулоса чиқариш ёки шартларни тиклаш зарур бўлган масалалар ечимини топишда қўлланилди. Шартларни тиклаш талаб қилинадиган масалалар имплектив мулоҳазалардан фойдаланиб, асосан, тортишга доир мантиқий масалаларни ечишда қўлланилиши кўрсатилди.

6. Моделлаштириш мантиқий масалаларни ечишда таълим жараёнини ташкил этишнинг етакчи усуллардан бири бўлиб, ўқувчиларни фаол бўлишга ва масала устида мустақил ишлашда қийинчиликлардан кўрқмасликка имкон берадиган усулларни ўргатди. Шу билан бирга, ҳар бир ўқувчи ўз фикри бўйича моделлаштиришнинг, яъни масалани ечишнинг ўзига хос йўлини танлагани учун таълим жараёнини индивидуаллаштиришга эришилди.

7. Кўплаб мантиқий масалаларни ечишда ҳаракат усули ва режасини, масала ечиш жараёнидаги қадамлар алгоритмини тузиш муҳим саналади, шу боис бошланғич синфлар математика дарсларига ахборот йўналишини киритишга зарурат сезилади. Бошланғич синфлар математика дарсларида мантиқий масалаларни ечишнинг дастурий таъминоти орқали ахборот маданияти элементларини табиий равишда шакллантириш мумкинлиги таъкидланди. Ўқувчилар маълумотни қайта ишлаш усуллари ва уни тақдим этишнинг визуал шакллари билан таништирилди.

8. Давлат таълим стандартининг иккинчи авлоди талабига мувофиқ бошланғич синфлар математика фани мазмунига мантиқий масалаларнинг киритилиши ўқувчиларда уларни ечиш кўникмаларини таркиб топтириш ва ривожлантириш зарурлиги аниқланди. Хулоса чиқариш учун зарур бўлган маълумотлар ўқувчиларни мулоҳаза қилишга, қийинчиликларни енгишга ўргатиб, масалаларни муваффақиятли еча олиш кўникмалари шакллантирилди.

ТАВСИЯЛАР

1. Тадқиқотда кўриб ўтилган мантиқий масалалар турларини бошланғич синф ўқувчиларининг тафаккур қилиш қобилиятларини ривожлантиришдаги аҳамиятли ва зарур материал сифатида амалдаги бошланғич синфлар математика дарсликларига киритиш лозим.

2. Ўқувчиларни халқаро баҳолаш дастурларида юқори натижаларга эришиши, мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш учун

Ўқитишнинг STEAM тизимини умумий ўрта таълим мактабларига босқичма-босқич жорий этиш зарур.

3. Математикадан давлат таълим стандартида кўрсатилган AI, AI+ даражадаги малака талабларини ўқувчилар томонидан эгалланиши учун мантикий масалалар турлари ва сонини орттириб, ечиш усулларини такомиллаштириш муҳимдир.

4. Амалдаги бошланғич синфлар математика дарсликларининг фақат 3-синфидагина мантикий масалалар турларидан тўпلام элементларини тартиблашга доир ҳамда қуйишга доир масалалар киритилган холос. Бизнингча, тадқиқот давомида кўриб чиқилган мантикий масалалар турларини қуйидагича тартибда:

2-синф математика дарслигига: ушбу дарсликдаги “Сонли ифодалар ва тенгламалар” мавзусидан кейин тўпلام элементларини тартиблашга доир, “Муаммоли масалалар” мавзусидан кейин тўпلامлар ўртасида ўзаро бир қийматли мосликни ўрнатишга доир мантикий масалалар;

3-синф математика дарслигига: ушбу дарсликдаги “Комбинаторик ва мантикий масалалар” мавзуси таркибига қуйишга доир, “Рост ва ёлғон мулоҳазалар” мавзусидан кейин эса кечиб ўтишга доир;

4-синф математика дарслигига: ушбу дарсликдаги “Ясси ва фазовий шакллар” мавзусидан кейин тарозида тортишга доир, “Мулоҳазалар” мавзусидан кейин энг ёмон ҳолни кўришга доир, “Тўпلامлар ва Эйлер-Венн диаграммалари” мавзусидан кейин Дирихле принципини қўллашга доир мантикий масалалар турларини киритилиши таклиф этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МАМАДЖАНОВА МАЪМУРАХОН КАДИРЖАНОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ПРЕПОДАВАНИЯ
МАТЕМАТИКИ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ ПОСРЕДСТВОМ
ЛОГИЧЕСКИХ ЗАДАЧ**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (математика)

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.1 PhD/Ped626.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-сайте Научного совета (www.namdu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Маматов Машрабжон Шахабутдинович
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: Уринов Ахмаджон Кушакович
доктор физико-математических наук, профессор

Баракаев Мурод
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация: Институт математики имени В.И. Романовского
Академии наук Республики Узбекистан


Защита диссертации состоится на заседании Научного совета № PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 при Наманганском государственном университете «24» 09 2021 года в 10⁰⁰ часов. (Адрес: 160107, город Наманган, улица Бобуршоҳ, дом № 161. Тел.: (+99869) 228-85-01; факс: (+99869) 228-85-02; e-mail: info@namdu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрирована за № 4). (Адрес: 160119, город Наманган, улица Уйчи, дом № 316. Тел.: (99869) 227-29-81)).

Автореферат диссертации разослан «10» 09 2021 года.
(реестра протокол № 4 от «10» 09 2021 года).




Т.Файзуллаев
Председатель Научного совета
по присуждению учёных
степеней, д.с.н., профессор


Ш.К.Хужамбердиева
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, доктор
философии по пед. наукам (PhD)


К.М.Боймирзаев
Председатель Научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.г.н. (DSc), доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В эпоху глобализации развитие науки во всем мире стало одним из ключевых факторов роста общества, а одна из универсальных проблем XXI века характеризуется внедрением инноваций и научных достижений в экономику. На сегодняшний день образование признано во всем мире ключевым фактором устойчивого развития, и в Концепции образования до 2030 года, на Международном образовательном форуме (WEF 2015), состоявшемся в Южной Корее, в качестве приоритетной задачи определено «...овладение прочным фундаментом знаний, развитие творческого и логического мышления, создание среды взаимодействия в сотрудничестве»⁴.

Ряд научных изысканий ведётся в сфере внедрения современных технологий развития математической грамотности учащихся начальных классов, преподавания содержания образования на основе интеграции с научными достижениями. В международных программах оценки уровня математической грамотности учащихся (EGMA, PISA, TIMSS, PIRLS) широко и целесообразно используются текстовые задачи, в частности, логические задачи. Исходя из этой необходимости, важно установление роли и место логических задач в начальном курсе математики, разработка конкретных педагогических подходов к развитию логического мышления у учащихся в учебном процессе, совершенствованию образовательных технологий.

В республике доведение системы общего среднего образования в стране до уровня мировых стандартов по содержанию и качеству является одним из приоритетов реформирования системы народного образования. В частности, Министерство народного образования работает над внедрением в систему международных программ оценивания⁵. Постановлениями о реализации мероприятий по повышению качества образования и их развитию в Республике Узбекистан определены задачи «Стимулирования научно-исследовательской и инновационной деятельности, создания эффективных механизмов реализации научных и инновационных достижений»⁶. Важно провести исследования по разработке системы логических задач, которые позволят улучшить методику преподавания математики в начальной школе.

Данная диссертация в определённой степени служит реализации задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-5712 от 29 апреля 2019 года «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года», и Постановлении

⁴ Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

⁵ Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 997 от 8 декабря 2018 года «О мерах по организации международных исследований в области оценки качества образования в системе народного образования». <http://lex.uz/docs/4097073>

⁶ Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан». - Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017, № 6, статья 70.

Президента Республики Узбекистан № ПП-4708 от 7 мая 2020 г. «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики», а также Постановлении Кабинета Министров № 187 от 6 апреля 2017 года «Об утверждении государственных образовательных стандартов среднего и среднего специального, профессионального образования» и других нормативных актов, связанных с данной деятельностью, а также расширение сети углубленного изучения важных и востребованных предметов, таких как математика, создание мультимедийных продуктов нового поколения, совершенствование методов обучения.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением науки и технологий республики I. “Пути формирования и реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства”.

Степень изученности проблемы. Проведен ряд научных исследований о роли и значении текстовых задач в развитии у учащихся способности логически мыслить, в совершенствовании преподавания решения текстовых задач. В частности, теоретические, методологические и методические основы совершенствования содержания образования посредством задач и особенно проблемных задач нашли своё отражение в научных исследованиях Ж. Икрамова, Т. Тулаганова, Н.Р. Гайбуллаева, М.Таджиева, Г.В. Злоцкого, Д.И. Юнусовой, М.Ш. Маматова, М.Раимова, М.А. Мирзаахмедова, С.Алиханова, А.Ахлимирзаева, М. Баракаева, Б.К. Хайдарова, У.Ж.Содикова, А.А. Парманова, вопросы совершенствования решения текстовых задач в начальной школе – в работах Б.С. Абдуллаевой, Н.У. Бикбаевой, Л.Ш. Левенберга и других. В нашей стране на сегодняшний день начаты исследования по включению логических задач в курс математики средней школы, в том числе в курс математики начальной школы.

В странах Содружества Независимых Государств Ю.М. Колягин, С.И. Шварцбург, А.Г. Мордкович, Л.М. Фридман, К.И. Нешков, А.Д.Семушин, Г.Г. Маслова, Н.А. Терешин раскрыли сущность совершенствования методики решения задач. Научные исследования по методике решения логических задач в странах Содружества Независимых Государств проводили Н.Б.Истомина, Н.Б.Тихонова, Л.Г.Петерсон, Л.П.Стойлова, Л.М.Лихтарников, В.П.Заесёнок, Э.Э.Канин, Л.П.Терентьева и др.

